НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛЕЎОВ ЕРКИНБАЙ МУРАТБАЕВИЧ

ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

УДК: 37.035; 211.8

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Тилеўов Еркинбай Муратбаевич
Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини
ривожлантириш технологияси 3

Тилеуов Еркинбай Муратбаевич
Технология развития правовой компетентности
студентов 23

Tileuov Yerkinbay Muratbaevich
Technology of developing students'
legal competency 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛЕЎОВ ЕРКИНБАЙ МУРАТБАЕВИЧ

ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Ped775 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика интитутида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.vocedu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Кудайбергенова Тажикал Кучкаровна** педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Алеуов Усербай** педагогика фанлари доктори, профессор
	Реимова Зухра Абатбаевна юридик фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75).

Диссертация автореферати 20___ йил «____» _____ куни тарқатилди.
(20___ йил «___» _____да ____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Базарбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда “фуқаролик тарбияси” (civic education) негизида талабаларда ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, талабаларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини фанлараро интеграция асосида амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда фаол фуқаролик ва ҳуқуқий компетенцияларни таркиб топтиришга катта эътибор қаратилади. Шунингдек, ҳуқуқий фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш, талабалар ҳуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг шахсга йўналтирилган моделини самарали татбиқ этишнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш долзарблик касб этади.

Дунёда талабаларнинг ҳуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг аксиологик асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқий фаолиятга тайёрлашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг комплекс ташкилий-педагогик шарт-шароит-ларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Айниқса, олий таълим муассасаси талабаларида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишнинг коррекцион технологияларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-ҳуқуқий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш алоҳида зарурият касб этади.

Республикамизда талабаларнинг фуқаролик жамияти асосларига доир билимларини мунтазам ошириб бориш, сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлан-тиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, талабаларда ҳуқуқий фаолликни таркиб топтиришнинг интерфаол технологиялари, ҳуқуқий саводхонликни ривожлантиришнинг электрон-педагогик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди[1]. Бу эса, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, интегратив модели ва амалий татбиқ этиш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон шароитида ҳуқуқий тарбиянинг таркибий элементларидан бири бўлган фуқаролик таълимини ташкил этиш йўллари, фуқаронинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, ижтимоий субъектларнинг қонунларга муносабати, ҳуқуқий-меъёрий талабларнинг ижтимоий-шахсий аҳамиятини англаши каби масалаларнинг назарий талқини ва амалий ечимлари А.А.Кузина, А.Б.Суслов, А.В.Фахрутдинова, Г.Ю.Ашурова, И.В.Кожанов, Л.У.Ждановаларнинг ишларида ёритилган бўлса, А.А.Хамраев, А.Х.Саидов, М.Ҳ.Усмонбоева, О.Каримова, Т.К.Кудайбергенова, У.Таджихановларнинг ишларида эса ҳуқуқий таълимни ташкил этиш, сифат ва самарадорлигини ошириш, талабаларни касбий жиҳатдан ҳуқуқий муносабатларга тайёрлаш, шунингдек, шахснинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А.Максименко, А.А.Черемисина, А.В.Мазуренко, А.П.Семитко, А.С.Киндяшова, В.Г.Первутинский, М.Е.Полякова, Н.Ы.Жусупова, О.Р.Чудиновларнинг ишларида “компетентлик”, “компетенция” тушунчаларининг моҳияти ва узлуксиз таълимнинг турли босқичлари ҳамда йўналишларида фаолият юритувчи олий таълим муассасалари талабаларининг ҳуқуқий компетентлиги ва маданиятини шакллантириш, уни изчил ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Ривожланган хорижий давлатларда Джеймс Л.Гибсон (James L.Gibson), Дэвид Нелкен (David Nelken), Ксаба Варга (Csaba Varga), Ральф Кристиан Майклс (Ralf Christian Michaels), Роджер Котторелл (Rodger Cottorell), Торбен Спаак (Torben Spaak) каби олимлар томонидан “ҳуқуқий маданият”, “ҳуқуқий компетентлик” тушунчаларининг тавсифи, Европа давлатларида

эътироф этилган ҳуқуқий маданият сифатлари, шахсда ҳуқуқий маданият ва компетентликни ривожлантиришга оид хориж тажрибалари ёритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг "Барқарор демократик ҳуқуқий жамият қуришда ахлоқий-маънавий тарбия ва фалсафий, ҳуқуқий онгнинг диалектикаси" мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёни тузилмаси ва компонентларини ёритиб бериш;

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

ижтимоий фаоллик концепцияси асосида талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантиришнинг шахсга йўналтирилган таълим технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, таълимий тажриба-синов ишларига Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети, Навоий давлат педагогика институтининг 216 нафар респондент-талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш мазмуни, модели ва технологияси.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш, назарий ва қиёсий таҳлил, ижтимоий сўров (анкета, суҳбат, интервью, ташхис), педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш, математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг таркибий асослари (босқичлари, омиллари ва компонентлари) шахснинг ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий эътиқоди намоён бўлишининг ахборот-семиотик ёндашув билан ўзаро интериор (маънавий-руҳий етуклик) интеграциясини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳуқуқий фаолиятнинг когнитив, баҳоловчи, ижтимоий ва коммуникатив даражаларини белгилаш орқали ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга доир коррекцион-тарбиявий фаолият тамойилларига (холислик, тизимлилик, қайта алоқани таъминлаш, интенсивлик) устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш моделининг амалий компоненти ҳуқуқий муаммоларни мустақил ўрганиш, ҳуқуқий фикрлаш фаоллигини таъминлаш, бўлғуси педагогик фаолиятга ҳуқуқий мослаштиришга йўналтирилган казусли (ҳуқуқий масалалар), кейсга асосланган, витаген (ҳаётий) машқлар мажмуининг рефлексивлик даражасини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантиришнинг шахсга йўналтирилган таълим технологияси “муваффақият вазиятлари”ни яратиш, эркин танлов ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилувчи мобил ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга асосланган виртуал таъсирнинг интенсивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда эмпирик баҳолаш самарадорлиги аниқланган;

илғор хорижий тажрибалар асосида “Ҳуқуқий ахборот платформаси”, “Мобил ҳуқуқий ёрдам” ва “Ҳуқуқий компетентлик ойнаси” методлари ишлаб чиқилган ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш, ҳуқуқий-маънавий тадбирларни ташкил этиш амалиётига жорий этилган;

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга доир мустақил таълимни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида самарали қўллаш имконини берувчи интерфаол методларнинг адаптив вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогик, психологик ва ҳуқуқий таълим концепцияси, методологияси (ўқитишнинг устувор тамойиллари, талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти мазмуни, касбий тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш)га тизимли, мажмуавий ва инновацион ёндашилганлиги; илмий изланишни олиб боришда педагогик, психологик, ҳуқуқий ва методик йўналишдаги маҳаллий ҳамда хорижий тажриба, тадқиқотлар натижаларига таянилганлиги; тадқиқот мақсади, вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи илмий-педагогик методлардан фойдаланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод (Стюьдент-Фишер методи) ёрдамида таҳлил қилинганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш мазмуни, назарий-методологик, амалий-методик ва ташкилий-технологик асослари, дидактик-тарбиявий имкониятларининг ёритилганлиги, олий таълим муассасаларида бўлажак педагог кадрларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш тузилмаси, босқичлари, омилларининг аниқланганлиги, талабаларни ҳуқуқий фаолиятга тайёрлашга

доир ёндашувларнинг имкониятлари ва тамойилларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи дидактик таъминотнинг бойитилганлиги, ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг электрон модулли ишланмалари яратилганлиги, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилганлиги, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларнинг илгари сурилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитишда самарали натижаларни қўлга киритишга хизмат қилиши, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан ҳуқуқ фанларини ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг таркибий асосларини шахснинг ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий эътиқоди намоён бўлишининг ахборот-семиотик ёндашув билан ўзаро интеграциясини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан 5111600 – миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат йўналишининг Давлат таълим стандартлари ва Малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-04-1714-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг дастурий таъминоти самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ҳуқуқий фаолиятнинг когнитив, баҳоловчи, ижтимоий ва коммуникатив даражаларини белгилаш орқали ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга доир коррекцион-тарбиявий фаолиятни ташкил этиш, талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 44-02/112 рақамли “Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг аҳамияти ва ўрни” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 6 сентябрдаги 15/23-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиялар талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантиришнинг шахсга йўналтирилган таълим технологиясини такомиллаштириш, “муваффақият вазиятлари”ни яратиш, эркин танлов ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилувчи

мобил ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга асосланган виртуал таъсирнинг интенсив-лигини таъминлаш бўйича таклифлардан 48-14/183 рақамли “Ҳаракатлар стратегиясини ёшларимиз билиши керак” мавзусидаги лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 6 сентябрдаги 15/23-сонли маълумотномаси). Натижада, бу таклифлар талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш бўйича мустақил таълимни ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа-лари 10 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 7 та республика ва 3 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари”** деб номланиб, унда талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш тамойиллари ва омиллари, шунингдек, талабаларнинг ҳуқуқий компетентликка эгаликларининг мавжуд даражаси тўғрисида сўз юритилган.

Компетентлик (инг. “competence” – қобилият, лаёқат, лойиқ бўлмоқ, муносиб бўлмоқ) – назарий билимлардан амалий фаолиятда самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш. Мазмунига кўра компетентлик негизида касбий билим, кўникма, малакаларни ҳеч бир қийинчиликсиз амалиётда самарали, юқори

даражада қўллай олишдан иборат ҳаракат ётади. Шу билан бирга компетентлик мутахассиснинг ўз ваколатлари доирасидаги вазифа, мажбуриятларни тўлақонли, сифатли, самарали бажариш қобилияти, касбий тайёргарлигининг даражаси саналади.

М.Е.Полякованинг фикрига кўра, ҳуқуқий компетентлик ҳуқуқий билимларни талаб этадиган масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, касбий фаолиятда қўллашни тақозо этадиган яхлит билимлар саналса, О.А.Чудиновнинг фикрича, “давлат фаолиятини тартибга соладиган, бир-бирига муносабат нуқтаи назаридан давлат ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги умумий тамойиллар, ҳуқуқий меъёрлар, ҳуқуқ тизими, унинг амал қилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи асосий институтлар, шунингдек, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлар бузилганда амалий ҳаракат моҳияти тўғрисида зарур қарорларни қабул қилишга имкон берадиган ҳуқуқий ахборотларни излаш, уларни қўллаш кўникмаларига эгалик” дир.

Ҳуқуқий компетентлик ва шахсда уни ривожлантиришга доир адабиётларни дастлабки ўрганиш натижасида тушунчани қуйидагича ёритиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди: ҳуқуқий компетентлик – касбий фаолият ва фуқаролик бурчини тўла бажариш, жамиятдаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан фаол муносабат билдира олишга хизмат қиладиган ҳуқуқий билим, кўникма, малакалар йиғиндиси ва улардан самарали фойдалана олиш қобилияти.

Ҳуқуқий компетентликнинг мантиқий-таркибий тузилмасини ўрганишга ҳаракат қилар экан, А.А.Черемисина унинг қуйидаги кўринишга эга эканлигига урғу бериб ўтади: когнитив компетентлик (ҳуқуқий билимларга эгалик); мотивацияли компетентлик (ҳуқуқий позиция); фаолиятли компетентлик (назарий билимларга асосланган фаолиятнинг барқарорлиги). А.А.Черемисинанинг ҳуқуқий компетентликнинг мантиқий-таркибий тузилмаси ҳақидаги ёндашувини қуйидагича тўлдириш мумкин: 1) когнитив компетентлик (назарий ҳуқуқий билимга эгалик); 2) мотивацияли компетентлик (ҳуқуқий билимларни ўрганишга бўлган қизиқиш, рағбатнинг мавжудлиги); 3) фаолиятли компетентлик (ҳуқуқий кўникма, малакаларнинг мавжудлиги); 4) ижтимоий-ҳуқуқий компетентлик (ҳуқуқий позиция).

Бўлажак мутахассис сифатида талабалар касбий фаолият, уни ташкил этишга ёндашув, касбий фаолият жараёнига муносабат нуқтаи назаридан умумий сифатларга эга бўлиш билан бирга ўзига хос фазилатларга эгаликни ҳам намоён қилади. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш даврида ОТМларнинг тарих факультети талабалари мисолида ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий компетентлик, унинг ўзига хослигига оид фикрларни ёритган адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш асосида унга хос сифатлар: ҳуқуқий онглилик (когнитивлик), эҳтиёж, мотивация, кўникма, малака, позиция, маданият, эрудиция ва эмпатияга эгалик; ҳуқуқий жавобгарлик; ҳуқуқий масъулиятга эгалик; ҳуқуқий фаоллик; ҳуқуқий таҳлил қобилиятига эгалик деган хулосага келинди.

Мазкур сифатларни талабаларнинг фаолияти мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: ҳуқуқий когнитивлик, ҳуқуқий толерантлик, ҳуқуқий фаолият тажрибасига эгалик, ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг моҳиятини акс эттирувчи модель ишлаб чиқилди. Улар қўйидагилардан иборат:

Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш омиллари:

физиологик – шахснинг жисмонан вояга етиши, ҳуқуқий лаёқатга эгалиги;

ҳуқуқий-меъёрий – шахснинг республика қонунчилик асослари, ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга муносабати;

психологик – шахснинг ҳиссий, иродавий, шахсий сифатларга эгалиги, ҳуқуқий меъёрларга толерант муносабати;

ижтимоий-педагогик – жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари муҳофазасининг таъминланиши, ҳуқуқий таълимнинг ташкил этилиши.

ОТМда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг ташкил этилиш моделини яратишдан кутилаётган натижа талабаларнинг ўрта, юқори ва жуда юқори даражада ҳуқуқий компетентликка эга бўлишларига эришишдан иборат.

Тадқиқотни олиб боришда назарий таҳлил, ҳуқуқий-ижтимоий меъёрлар ҳамда таълим-тарбия жараёнининг моҳиятини ўрганиш, талабалар фаолиятини педагогик кузатиш асосида аксиологик, фаолиятли, мазмунли, шахсга йўналтирилган, интерфаол, инновацион, муаммоли, креатив ҳамда рефлексив-коррекцион ёндашувлар, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, касбий йўналганлик каби тамойиллар талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш жараёнида устувор аҳамият касб этиши аниқланди.

Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, у мақсадли, изчил, узлуксиз ва тизимли ташкил этилсагина кутилган натижага олиб келади. ОТМда талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир этади.

Назарий таҳлил ва ОТМ амалиёти билан танишиш, талабалар фаолиятини ўрганиш натижасида уларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантиришда қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутиши аниқланди: миллий қонунчилик асослари; ҳуқуқ фанларининг ўқув-методик таъминоти; ОАВнинг ҳуқуқий билимлар тарғиботидаги фаоллиги; халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги иштироки; миллий ва халқаро ҳуқуқлар интеграцияси; ҳуқуқий таълим тизими; ОТМнинг ҳуқуқий компетентлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳаллий органлар фаолияти; нодавлат, нотижорат ташкилотлар (ННТ)нинг ҳуқуқий билимлар тарғиботидаги иштироки; ижтимоий ташкилотларнинг ҳуқуқий билимлар тарғиботи ва талабалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги иштироки.

Асословчи тажриба босқичида Ўзбекистон шароитида талабаларнинг ҳуқуқий компетентликка эгаликлари муаммо доирасида олиб борилган

тадқиқотлар моҳиятини ўрганиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров (анкета, тест, интервью) натижаларини таҳлил қилиш асосида баҳоланди. Дастлабки баҳолаш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: республикада “компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳиятини ёритиш, компетентликнинг сифатлари ва таркибий асосларини кўрсатиш борасида ҳанузгача мустақил тадқиқотлар амалга оширилмаган ёки оширилган бўлса ҳам уларнинг натижалари етарли даражада оммалаштирилмаган; хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Россия, Хитой)да шахсда ҳуқуқий компетентликни шакллантириш муаммосини ҳатто мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда Ўзбекистонда кадрлар малакасини ошириш тизими, ОТМ негизида ҳам мазкур масаланинг ижобий ечимини топишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмаган; нафақат талабалар, шу билан бирга ОТМ педагоглари ҳам “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “ҳуқуқий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти, ҳуқуқий компетентликнинг таркибий асослари, ҳуқуқий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар ва талабаларда уларнинг мавжудлиги, ривожланганлигини баҳоловчи мезонлар, даража кўрсаткичлари тўғрисида етарлича тушунчаларга эга эмас; ОТМ ўз фаолияти йўналиши, ихтисослик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талабаларда ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш концепцияси ёки моделлари билан қуролланмаган; таълим муассасаларида ҳуқуқий йўналишларда ташкил этилаётган маърифий ва ижтимоий-маданий тадбирлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан талабаларнинг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларини бойитишга, такомиллаштиришга ёрдам бермайди; талабаларнинг ҳуқуқий компетентликка эгалик даражаси ўрта ва паст даражада. Мазкур ҳолатлар ОТМда талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш муаммоси ўзига хос долзарблик касб этишини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида эса талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга оид хорижий тажрибалар, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш йўллари, инновацион шакллари, самарали методлари ва воситалари кўрсатилган.

Диссертациянинг алоҳида параграфида талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга оид хорижий тажриба ва технологияларнинг ўрганилишига эътибор қаратилди. Тадқиқотчилар – Джеймс Л.Гибсон (James L.Gibson), Дэвид Нелкен (David Nelken), Ксаба Варга (Csaba Varga), Роджер Котторелл (Rodger Kottorell), Торбен Спаак (Torben Spaak)лар олиб борган илмий изланишларнинг бош ғояси, илмий фаразлари ҳамда амалий ечимлари назарий-қиёсий жиҳатдан ўрганилди. Назарий-қиёсий ўрганиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: ривожланган хорижий мамлакатларда шахс, хусусан, талабаларнинг ҳуқуқий компетентлик ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари “фуқаролик тарбияси”

(“civic education”) негизида таъминланади. Ёшларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш барча босқич таълим муассасаларида амалга оширилади. “Жамиятни ўрганиш” (Social studies) ва “Ижтимоий фанлар” (Social science: мусиқа, санъат, адабиёт) асосларини ўрганиш орқали талабалар фуқаролик ва давлат бошқаруви (Formal Instruction in Civics and Government)ни самарали ташкил этиш малакаларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Европа мамлакатлари тажрибаси шахснинг ҳуқуқий маданият, шунингдек, ҳуқуқий компетентликка эга бўлишида миллий ментал хусусиятлар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди.

Торбен Спаак (Torben Spaak)нинг эътирофига кўра, меъёрий тушунча бўлган “компетентлик” термини ёрдамида “малака” ёки “ваколат бериш” маънолари ифодаланади. Шу сабабли компетентлик ҳақида сўз борганда, қуйидаги икки ҳолат назарда тутилади: 1) шахс тўғри ва оқилона қарор қабул қилиш малакасига эга; 2) шахс қандай бўлишидан қатъий назар у ёки бу вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Талабалар бўлажак мутахассис сифатида мавжуд қонунлар ёки ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиш, уларнинг моҳиятини зарур даражада тушуниш, шунингдек, улар ёрдамида ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятни самарали ташкил этиш орқали ўзининг ижтимоий мақомини ўзгартириш (яъни касбий жиҳатдан ўсиш, мавжуд рақобатларга бардош бера оладиган даражада такомиллашиш)га муваффақ бўлади.

Маълумки, шахс ўзининг назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдаги фаолиятини ташкил этиш, муайян сифатларни шакллантириш ёки ривожлантиришда маълум йўллардан фойдаланади. Шахсга хос шахсий ёки касбий сифатларни шакллантириш ёки ривожлантириш учун танланадиган йўллар амалий қийматга эга бўлиб, сифат ва самарадорликка эришиш, натижаларни тезкор қўлга киритиш имконини бериши лозим. Тадқиқот даврида касбий тайёргарлик, мустақил ўқиб-ўрганиш (мустақил таълим), ўзаро тажриба алмашиш, илмий анжуманларда иштирок этиш, устоз-шогирд анъанасига таяниш, волонтёрлик фаолиятини олиб бориш, касбий малакаларни мустаҳкамлаш (ўқув курслари, тренингларда) ҳамда блогер сифатида фаолият кўрсатиш каби ташкилий шакллар талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали йўллари эканлиги аниқланди.

Педагогик фаолият шаклларининг назарий-методик жиҳатдан тўғри танланиши ҳам кутилган натижаларни кафолатлайди. Шунга кўра ишда талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини самарали ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият шаклларини танлаш диссертантнинг диққат марказида бўлди. Назарий ва амалий ўрганиш орқали ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қуйидаги шакллари талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришда белгиланган вазифаларни ижобий ҳал қилишга ёрдам бериши аниқланди: муаммоли ҳуқуқий вазиятлар; ҳуқуқ мавзусидаги лойиҳалар; онлайн форумлар; ҳуқуқий

мавзулардаги ўйинлар; ҳамкорликдаги методик фаолият; ҳуқуқ йўналишларидаги клублар.

Моҳиятига кўра педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали йўл ва шаклларни назарий ва методик жиҳатдан тўғри танлашнинг ўзи, улар тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топишга хизмат қиладиган метод ва воситалар билан тўлдирилмагунга қадар етарли бўлмайди. Мазкур ёндашув асосида ишнинг алоҳида параграфида талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришнинг ноанъанавий, инновацион характердаги метод ва воситалари ҳам аниқланди.

Тадқиқотни олиб бориш даврида диссертантнинг шахсий ёндашуви талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик технологияларга асосланди. Бу технологияларнинг инновацион характер касб этишига эътибор қаратилди.

I. Ижтимоий тармоқлар – Telegramда саҳифа, Facebookда канал фаолияти. Тегишли ижтимоий тармоқларда “Ҳуқуқий ахборот платформаси” номли саҳифа ҳамда канал шакллантирилди. Ижтимоий тармоқлар – Telegramда саҳифа ҳамда Facebookда канални шакллантиришдан кўзланган мақсад – тажриба гуруҳига жалб қилинган респондент-талабалар ўртасида ҳуқуқий билимларни изчил тарғиб этиш, уларнинг билимларини бойитиш, шунингдек, уларда ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланиш малакаларини ривожлантириш.

Мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди: 1) ташхис методлари (суҳбат, савол-жавоб, тест, анкета сўрови) ёрдамида тажриба гуруҳига жалб этилган респондент-талабаларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини баҳолаш; 2) респондент-талабаларнинг ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришдаги қизиқиши ҳамда эҳтиёжларини аниқлаш; 3) тажриба гуруҳи респондент-талабаларининг мавжуд қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий тармоқлар – Telegramда саҳифа ҳамда Facebookда канални шакллантириш; 4) респондент-талабаларга ижтимоий тармоқлар – Telegramдаги саҳифа, Facebookдаги канал, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни бериш; 5) педагогик нуқтаи назардан респондент-талабаларнинг ижтимоий тармоқлар – Telegramдаги саҳифа, Facebookдаги каналдан самарали фойдаланишларини кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш.

II. “Кўнгилли ҳуқуқ тарғиботчиси” волонтёрлар гуруҳи фаолияти. Маълумки, ижтимоий тармоқларда ташкил этилган саҳифа ва каналларга жойлаштирилган ахборотларни изчил равишда тўлдириб, бойитиб бориш талаб этилади. Шу сабабли ҳам ижтимоий тармоқлар – Telegramда саҳифа, Facebookда каналларни шакллантириш, улардаги саҳифаларни доимий, изчил равишда тўлдириб, бойитиб бориш, қолаверса, тенгдош-талабалар ўртасида назарий ҳамда амалий ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш мақсадида тадқиқот жараёнида тажриба гуруҳига жалб қилинган респондент-талабалар орасидан фаол, пухта ҳуқуқий билим ҳамда мулоқот қобилиятига эга талабалар танлаб

олиниб, улар иштирокида “Кўнгилли ҳуқуқ тарғиботчиси” волонтёрлар гуруҳи ташкил этилди.

Волонтёрлар гуруҳи фаолияти қуйидаги мақсадга кўра ташкил этилди: тажриба гуруҳи респондент-талабаларининг ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларда ижтимоий фаолликни юзага келтириш асосида ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш. Мазкур мақсадга қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали эришилди: 1) таҳлил методлари (суҳбат, савол-жавоб, тест, анкета сўрови) ёрдамида тажриба гуруҳига жалб этилган респондент-талабаларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини баҳолаш; 2) респондент-талабалар орасидан фаол, пухта ҳуқуқий билим ҳамда мулоқот қобилиятига эга талабаларни танлаб олиш; 3) танлаб олинган талабалардан иборат волонтёрлар гуруҳини шакллантириш; 4) волонтёрлар гуруҳи аъзоларини уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда иш тартиби билан таништириш; 5) гуруҳ аъзолари томонидан белгиланган вазифаларнинг диссертант билан ҳамкорликда бажарилишини таъминлаш; 6) вазифаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 7) зарур ўринларда вазифаларга ўзгартиришлар киритиш орқали йўл қўйилган хато, камчиликларни тўғрилаб бориш.

III. “Мобил ҳуқуқий ёрдам”. Тажриба гуруҳининг респондент-талабалари ўртасида “мобил ҳуқуқий ёрдам”ни ташкил этишдан кўзланган мақсад улар томонидан ҳуқуқий билим, кўникма, малака ҳамда компетентликни ўзлаштириш жараёнида юзага келаётган қийинчилик ва муаммоларни батараф этишга кўмаклашиш бўлиб, унга қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали эришилди: 1) бевосита суҳбат, шунингдек, Telegram, Facebook ижтимоий тармоқларида гуруҳ ташкил этиш орқали ҳуқуқий билим, кўникма, малака ва компетентликни ўзлаштиришда тажриба гуруҳларининг респондент-талабалари дуч келаётган қийинчилик ва муаммоларни аниқлаш; 2) мавжуд қийинчилик, муаммоларнинг сабабларини ўрганиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш; 3) белгиланган чора-тадбирлар асосида респондент-талабаларга методик ёрдам кўрсатиш; 4) методик ёрдам кўрсатилганидан кейин қийинчилик ҳамда камчиликларнинг бартараф этилганлик ҳолатини таҳлил қилиш.

IV. “Ҳуқуқий компетентлик ойнаси”. Маълумки, ойна (кўзгу) реал воқеликни акс эттиришга хизмат қилади. Ойна (кўзгу)нинг мазкур хусусиятидан келиб чиққан ҳолда рефлексив-коррекцион характерга эга “Ҳуқуқий компетентлик ойнаси” номли технология асосланди.

Технологиянинг асосий мақсади талабаларда ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг тайёрлик даражасини мустақил равишда рефлексив таҳлил қилиш орқали мавжуд камчиликларни коррекциялаш чора-тадбирларини белгилаш ва амалда уларни бартараф этиш малакасини ривожлантиришдан иборат этиб белгиланди. Мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажариш ҳисобига таъминланди: 1) талабаларни ҳуқуқий компетентлик даражасини мустақил рефлексив таҳлил қилишга одатлантириш; 2) талабаларни рефлексив таҳлил асосида аниқланган камчиликларни мустақил коррекциялаш чораларини белгилашга ўргатиш; 3) белгиланган коррекцион

чоралар ёрдамида талабаларнинг ҳуқуқий компетентликка эгалик борасидаги камчиликларни бартараф этиш малакасини ривожлантириш.

“Ҳуқуқий компетентлик ойнаси” номли технология талабаларга мўлжалланган бўлиб, улар томонидан ўзларида ҳуқуқий компетентлик сифатлари мавжудлигини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қилади.

Талабалар томонидан мазкур технологиядан фойдаланиш бир неча босқичда амалга оширилади. Босқичлар қуйидагилардан иборат:

1-босқич – ҳуқуқий компетентликка эгалик даражасини баҳолаш имкониятига эга ўқув, амалий ҳамда ижодий характердаги топшириқларни бажариш;

2-босқич – топшириқларни бажариш натижасига кўра ҳуқуқий компетентликка эгаликни мустақил рефлексив таҳлил қилиш ва баҳолаш;

3-босқич – рефлексив таҳлил ва баҳолаш натижаларига кўра ҳуқуқий компетентликни ўзлаштиришдаги камчиликларни аниқлаш;

4-босқич – аниқланган камчиликларни коррекциялаш чораларини белгилаш;

5-босқич – белгиланган чоралар асосида амалда ҳуқуқий компетентликни ўзлаштиришдаги мавжуд камчиликларни коррекциялаш.

